

---

## Дори воситалари етказилди

Халқ депутатлари вилоят ва туман Кенгаши депутатлари бошчилигида карантин қоидаларига қатъий риоя этган ҳолда, короновирус инфекцияси тарқалишини олдини олиш, камбағаллиги бор, ижтимоий ҳимояга муҳтож, кўп фарзандли оилаларга ҳамда бугунги пандемия шароитида сурункали касалликларни бошидан кечираётган ҳамда ёшлари улуғ фуқароларимизга вилоят ҳокимлиги томонидан "Саҳоват ва кўмак" умумхалқ ҳаракати доирасида 21 турдаги дори-дармон қутилари ҳамда озиқ-овқат маҳсулотлари манзилли тарқатилди. Бундай ҳайрия тадбирлари туманнинг барча маҳаллаларда давом этмоқда. Ўз навбатида шундай синовли ва улуғ айём - Қурбон ҳайити байрами муносабати билан йўқланган барча отахон-у онахонлар энг аввало Муҳтарам Президентимизга, шунингдек вилоят ҳамда туман ҳокимларига берилаётган кўмак ва эътиборлари учун яхши ниятлар ила дуо қилмоқдалар.

2020-07-30 20:30:34